


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

61020200 - *Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги* (транспорт)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент - 2021



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	4
1.2.1.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	61020200-Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	10
	Келишув варағи.....	11

1. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модул тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил, сиртқи таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 5 йилни ташкил қилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *61020200 - Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) – “Гигиена ва ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, меҳнат муҳофазасини таъминлаш, инсон меҳнати ва фаолияти учун қулай техносферани (инсон томонидан шакллантирилган муҳит) шакллантириш, техника хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим жиҳатларини, замонавий техник воситалардан, назорат усулларидан ва прогнозлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига инсон ҳаёти ва

соғлиғини асраш, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси юзасидан ўқитиш ва билимларни синаш, меҳнат бозори инфратузилмасининг билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган хавфларни олдиндан аниқлаш ва уларни камайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- меҳнат муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хавфларни ходмлар ҳаётига салбий таъсирини камайтириш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил қилиш;
- хавфли ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилинишини таъминлаш;
- меҳнат муҳофазасини таъминлаш масалаларига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш;
- техноген рискларни баҳолаш усуллари ва воситаларидан амалиётда фойдаланиш;
- ходимлар соғлиғини хавфлардан муҳофазалаш усуллари ва воситаларини қўллаш;
- ишлаб чиқаришда кўрсатиладиган антропоген таъсирларни ва хавфларни меъёрлаштириш қоидаларини амалиётга жорий қилиш;
- хавфсизлик техникасини таъминлаш воситалари ва усулларида ўз ўрнида фойдаланиш;
- инсонни турли вазиятларда қутқариш усуллари ва воситаларини қўллаш.

61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот;
- экспертлик, назорат ва инспектор-аудиторлик;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти.

1.2.4. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

61020200 - Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-боиқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини боиқариш жараёнларида хавфсизликни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштиришда хавфсизликни ишлаб чиқиш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида хавфсизликни ташкил қилиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда боиқарув қарорларини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни боиқариш;
- бажарётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилятига эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллашда хавфсизликни таъминлаш;
- участка, цех, бўлимда меҳнат муҳофазаси ишларини ташкил қилиш;
- хом-ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилишда хавфсизлик техникасини ташкил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқишда хавфсизлик муаммоларини ҳал этиш;
- технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблашда меҳнат муҳофазаси масалаларини ҳал этиш;
- амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклашда хавфсизлик техникаси чораларини кўриш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш;
- органик моддалар ва улар асосида олинувчи материаллардан олинган буюмлар технологияларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқишни такомиллаштиришда меҳнат муҳофазаси масалаларини киритиш;
- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муаммоларини ҳал қилиш;
- асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар ва жиҳозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан ўтказиш қобилятига эга

бўлиши лозим.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда инновацияларга асосланган ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарга тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналардаги муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини тадбиқ этиш;

- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Экспертлик, назорат ва инспекторлик-аудитор фаолиятида:

- яшаш муҳитидаги хавфлар майдони ва манбалари мониторингини амалга ошириш;

- хавфсизлик экспертизасини ўтказишда иштирок этиш;

- юқори техноген риск жараёнларни аниқлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- хавфсизликни таъминлаш воситаларини муайян шароитларда қўллашга нисбатан маълум тизим ва услублар асосида асосий кўрсаткичларни танлаш ва ҳисоблаш;

- хавфларни идентификациялаш ва улар микдорий кўрсаткичларини аниқлаш ва ўлчаш;

- иш ўринларини оптималлаштиришда иш шароитларга таъсир этувчи омилларни мақбул қийматларини тизимий ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш;

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- техник ҳимоя воситаларининг параметрлари ва ишчанлик қобилиятини аниқлаш

бўйича синовларни ўтказиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

2. 61020200 – Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги (транспорт) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишлари ва долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда содир бўлаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий, маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур, эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтиришнинг ўқув ва услубий кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- соҳада бошқарув вазибаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- соҳада ракобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

бакалавриат, таълим соҳаси, таълим йўналиши, касбий фаолият тури, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, ҳаётий фаолият хавфсизлиги, техносфера, инсонни яшаш муҳити, табиий ва техноген хавфлар, хавфлар майдони, хавфлар манбаи, назорат воситалари, рисклар, техник тизимлар, мониторинг, экспертиза, химоя воситалари, фавқулодда вазиятлар, фуқаро муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, меҳнат муҳофазаси, компетенция, бино ва иншоотлар, конструкция, ёниш-портлаш, биринчи тиббий ёрдам, хавфсизлик, гидротехник иншоотлар, эвакуация, экологик экспертиза, ўқув режа, фан дастури, якуний давлат аттестацияси, давлат таълим стандарти, ахборот-ресурс маркази, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасаси, техник соҳа, муҳандислик иши, объект, жараён, тизим, машина, техник воситалар хавфсизлиги, техник назорат, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик, ташкилий-бошқарув, назарий таълим, таътил, малака амалиёти, битирув малакавий иши, мустақил таълим, меҳнат бозори, кадрлар истеъмолчилари, назорат.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



20__ йил «__» _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Вазир ўринбосари  А.Муминов

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил «__» _____
М.Ў.

202__ йил «__» _____
М.Ў.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети



Бошқарма
бошлиги  А.Хамролиев

202__ йил «__» _____

М.Ў.

Ректор  С.Турабджанов



202__ йил «__» _____

М.Ў.